



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 19 декабрь, № 268 (7770) Шанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МДХ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди.



Саммит ишида Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов, Козогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчиси Талант Мамитов, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва Ҳамдўстлик Парламентларо ассамблеяси кенгаши раиси Валентина Матвиенко иштирок этдилар.

Кун тартибига мувофиқ, МДХ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва устувор йўналишлари кўриб чиқилди, шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги режалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси бу йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олганини таъкидлади.

МДХнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, сайёҳатларни бирлаштириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан инқироздан тез

фурсатларда чиқишнинг мақбул йўллари-ни топиш учун хизмат қилишига ишонч билдирилди.

— **Ўзбекистон умумий муаммоларини ҳал қилиш учун янги, ностандарт ва ўзаро манфаатли ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр, — деди Президентимиз.**

Таъкидланганидек, мамлакатимиз МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга изчил ўтиш, шериклик механизмлари ва қабул қилинган ҳужжатлар ижроси самарадорлигини ошириш тарафдоридир.

Шавкат Мирзиёев ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор тақрифларни илгари сурди.

Хусусан, бугунги шароитда мамлакатларимиз иқтисодийлари, савдо ва кооперация алоқаларини жадал сурьатларда қайта тиклаш устувор вазифа экани таъкидланди. Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистоннинг МДХга аъзо бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаши барқарор ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим шериклар билан савдо жорий йилда 20 фоиздан зиёда кўпайди.

Ҳамдўстлик доирасида “яшил” ва соддаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, электрон савдони ривожлантириш бўйича ягона платформани ишга тушириш ва “Йўл харитаси”ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Бунда агросаноат, машинасозлик, электротехника, энгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма кластерлар ташкил этиш назарда тутилади. Ушбу дастур ҳамда инновацион лойиҳалар ва илгор технологиялар тақдирини келгуси йил Тошкент шаҳрида ўтадиган МДХ мамлакатлари саноат кооперацияси форуми доирасида ўтказиш тақриф этилди.

Транспорт йўлақлари рақобатбардорлигини ошириш, техник регламент ва стандартларни уйғунлаштириш, ўзаро келишилган тариф сиёсатини амалга ошириш ва референцияларни тақдим этиш транспорт соҳасидаги муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Ўзбекистон барча санитария талабларига риоя этган ҳолда ўзаро авиақатновларни имкон қадар тез фурсатда қайта йўлга қўйиш тарафдоридир. Бу ишбилармонлик, гуманитар ва сайёҳлик алмашувларини тиклашга хизмат қилади, дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

МДХ мамлакатларининг Ҳамдўстлик давлатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу му-

носабат билан Ўзбекистон раҳбари меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишининг ягона механизмини яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш вақти келганини қайд этди.

Бугунги кунда санитария-эпидемиологик тусдаги фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва улгарга барвақт жавоб қайтаришнинг самарали тизимини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан МДХ доирасидаги тегишли келишувни тайёрлаш ишлари тезлаштирилди.

Касалликларни профилактика қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили оммавий спорт ва маданий тадбирларни ташкил этган ҳолда “МДХ саломатлик марфонини”ни ўтказиш тақриф этилди.

МДХ ижодий ва фан зиёлиларининг навбатдаги форуми доирасида Ўзбекистонда “Ҳамдўстлик мамлакатлари маданий мероси” конференциясини ўтказиш гоёя илгари сурилди. Бу аънаваный яқин бўлган гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МДХ мақомидаги хавфсизликка таъдид солаётган хатларлар тўғрисида сўз юритилар экан, Афғонистонда йўлга қўйилган тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим экани қайд этилди.

— **Ушбу мамлакатнинг тинчлиги бутун Ҳамдўстлик мақомида хавф-**

сизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилidir. Бу, шунингдек, давлатларимизнинг Жанубий Осиё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар дегани, — дея таъкидлади Президентимиз.

Мафқуравий ва ахборот соҳаларида хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳам янги, ноодатий ёндашувларни тақозо этаётгани қайд этилди. Ушбу мавзудаги аввал қолдирилган Халқаро экспертлар форуми келгуси йилда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Бундан ташқари, ҳуқуқий ахборот билан алмашиш учун МДХ Ягона электрон платформасини яратиш ва Радикаллашувдан қайтариш соҳасидаги ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш тақриф этилди.

Ташкилот мақомида дўстлик ва яқин ҳамкорликни мустаҳкамлашда парламентларнинг ўрни ортиб бораётгани таъкидланди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон келгуси йилда МДХ Парламентларо ассамблеясининг йўналишларидан бирини пойтахтимизда ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Сўнг МДХга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари сўзга чиқиб, амалга оширилган кенг кўламли ишлар учун Ўзбекистон Республикасига чўқур миннатдорлик билдирдилар, бу мамлакатимизнинг Ҳамдўстликка самарали раислигини таъминлабгина қолмай, ташкилот доираси-

даги кўп қиррали амалий ҳамкорликни янада кенгайтирганини таъкидладилар.

Давлат раҳбарларининг нуқтларида иқтисодий, транспорт, хавфсизлик, гуманитар соҳаларда алоқаларни чуқурлаштириш, МДХда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Саммит якунида Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, пандемия оқибатлари билан боғлиқ барча қийинчиликларга қарамай, биргаликдаги сайёҳаракатлар орқали Ҳамдўстлик янги воқеликка самарали мослашишга қодирлигини намойиш этди.

Мажлисида МДХни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича асосий тадбирлар режаси, БМТ ташкил этилганининг 75 йиллиги муносабати ҳамда ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнотлар қабул қилинди.

Шунингдек, келгуси йилда ташкилотга Беларусь Республикаси раислик қилиши ва навбатдаги саммитни Минск шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг турли йўналишларига доир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУДУДЛАРДА МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари учун инфратузилма яратишда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирларига Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **1 триллион сўм** кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) **махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хо-**

рижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирлари;

ичимлик суви, оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — **Давлат бюджети маблағлари;**

электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — тегишлича таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарга ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан **5 фоиз ставкада** уч йил муддатда қайтариш шарти билан ажратилган **бюджет ссудаси маблағлари;**

алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ **таъминотчи корхоналарнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари;**

(Давоми 2-бетда).

Акс садо

«ЎЗБЕКИСТОН ВАЗИФАНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРДИ»

Сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистоннинг МДХ доирасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшганини таъкидлашмоқда.

Танзила НОРБОВА, Олий Мажлис Сенати Раиси:

— Давлатимиз раҳбари раислигида МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ўтказилди. Бунда барча давлатлар учун аҳамиятли бўлган масалалар атрофида кўриб чиқилди. Президентимиз коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозлардан тезроқ чиқиш учун янги, ҳамма мамлакатлар учун манфаатли бўлган ёндашувларни ишлаб

чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини айтиб ўтдилар. Ундан ташқари, МДХ мамлакатларининг иқтисодийлари, савдо ва кооперация алоқаларини тезроқ тиклаш, электрон савдони ривожлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилди. Пандемия шароитига қарама-қарин, барча йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлик манфаатли, барқарор давом этди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2020 йил 18 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбовега олиб борди.

Ушбу ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда “Узрпорт” телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан сўнг сенаторлар кўриб чиқилаётган

масалаларни муҳокама қилишга киришди. Сенат аъзолари томонидан “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҲУДУДЛАРДА МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

6) **ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТУРТИК БЕРАДИГАН ЛОЙИХАЛАР ВА ТАДБИРЛАРНИНГ** муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (таъмирлаш) ишлари бўйича — **Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан қопланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; **бюджет судаси маблағлари** электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун **“Худудий электр тармоқлари” АЖГА** ҳамда табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун **“Худудгазтаъминот” АЖГА** ажратилади;

махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хоржий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари ҳузуридаги **автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан** амалга оширилади.

4. Вазирлар Маҳкамаси: **икки ҳафта мuddатда** 2021-2022 йилларда махсус иқтисодий зоналарни ва кичик sanoat зоналарини таъмирлаш муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашга оид чора-тадбирларнинг маърузи рўйхатларини;

2021 йил 1 апрелга қадар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида қиймати **250 миллиард сўм миқдордан ошадиган хоржий ва маҳаллий инвесторларнинг** инвестиция лойиҳалари таъминоти инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисmini давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хоржий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини таъминлашга махсус комиссия ташкил қилинсин.

6. Махсус комиссия (Т.А.Ишметов): ҳар ой яқини билан жойлардаги махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналарининг таъминоти инфратузилмаси билан таъминланганлик ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиши;

Давлат бюджетидан, шу жумладан, бюджет судаси ҳисобидан таъминлаш бўйича тақдим этилган тақлифларни кўриб чиқиш ва тегишли хулоса бериши;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашда молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиб боришни ҳамда махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналарини таъминоти инфратузилмаси билан таъминлашга унча ажратилмаган маблағларнинг энг мақбул йўналишини белгилаши;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ тадбирларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг натижадорлигини таъминласин.

Махсус комиссиянинг ишчи органи этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлиги белгилансин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб, ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хоржий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини таъминлаш ишлари учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағларини Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилишини кўзда тутисин.

8. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги билан биргаликда махсус иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хоржий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини таъминлаш ишлари учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 18 декабрь

Бу борада республикамиз раҳбари саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш заруратини алоҳида қайд этдилар. Шу билан бирга, Президентимиз транспорт соҳасини ривожлантириш, бу орқали тадбиркорлик, гуманитар, сайёҳлик амалиётларини тезроқ йўлга қўйиш вазифаларига тўхталиб ўтдилар. МДХ мамлакатларида меҳнат қилаётган фуқароларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоясини таъминлашга



Президентимиз алоҳида эътибор қаратиб, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш юзасидан алоҳида дастур қабул қилиш зарур эканигини қайд этдилар. Саммитда давлатимиз раҳбари яна бир қатор масалаларни кўтардилар. Бу эпидемиялар давридаги ҳамкорликка оид, илм-фан, ижодий вақилларнинг ҳамкорлигига оид масалалар, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ахборот алмашиш масалаларидан иборат бўлди. Биз учун энг аҳамиятлиси эса давлатлар ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини ривожлантиришда парламентларнинг ўрни ортб бораётганини таъкидлаб, Президентимиз келгуси йилда МДХ Парламентларари ассамблеясининг йиғилишларидан бирини мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказишга тайёр эканлигимизни билдирдилар. Парламентларнинг МДХ саммитида қабул қилинган қатор ҳужжатларни амалиётга таъбиқ этишда муҳим ўрни бор ва биз МДХдаги қасбдошларимиз билан бу борадаги вазифаларимизни, албатта, белгилла олаемиз ва самарали амалга оширамиз.

Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия қўмитаси раиси



— Давлат раҳбарлиги кенгашининг мажлисида турли соҳаларга оид 14 та муҳим ҳужжатлар кўриб чиқилди. Барча сўзга чиққанлар ўзбекистоннинг шу йил МДХга раислик қилганини алоҳида эътибор этдилар. Йил бошида Ўзбекистон муҳим ва долзарб режаларини тақдим қилди ва барча сўзга чиққанлар қайд этганидек, бу йилги қийин шароитга қарамай, Ўзбекистон раислик вазифасини муваффақиятли бажарди. Ўзбекистон раислиги доирасида ҳамкор-

ликни мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг 13 мартда Москва шаҳрида Ўзбекистон раислигида МДХ Иқтисодий кенгашининг йиғилиши ҳамда Иқтисодий форум бўлиб ўтди. Шунингдек, йил давомида тўрт мартаба ўтказилган Иқтисодий кенгаш йиғилишлари ва учрашувларнинг барчасида ҳамкорлик учун муҳим бўлган қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон раислигида, шунингдек, Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг иккита йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда ҳам муҳим ҳужжатлар кўриб чиқилди ва қабул қилинди. Мен, биринчи навбатда, МДХ мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ва уни амалга ошириш режасини айтиб ўтмоқчиман. Бундан ташқари, 2030 йилгача бўлган инвестициявий ҳамкорлик дастурини ва бошқа ижтимоий хавфсизлик соҳасидаги узоқ муддатга мўлжалланган кўплаб ҳужжатларни кўриб чиқяпмиз, яъни биз келажакни қўзғаймиз. Ва албатта, барча иштирокчилар Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар ва уларнинг ижроси учун миннатдорлик билдиряпти.

Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги раиси



— Президентимиз ўз нуктида жуда долзарб масалаларни кўтардилар. Хар бир масала кўп давлатларнинг келажакга, ҳаммамизнинг келажакимизга боғлиқ. Очигини айтсак, МДХга Ўзбекистоннинг раислиги жуда бир оғир шароитда ўтди. Президентимиз ҳозирги халқро майдондаги вазиятга баҳо бериб айтдиларки, биз ҳаммамиз ҳозир янги дунё тартиби шаклланишининг гувоҳи бўлмоқдамиз, қарама-қаршиликлар ва ноаниқлик қучаймоқда. Бунга пандемия оқибати қўшилди.

Ўзбекистонга раислик ўтганидан сўнг Ўзбекистон томонидан кенг қамровли концепция тайёрланди. Бу концепцияни амалга ошириш учун амалий дастур тайёрланди. Ҳамдўстликнинг жуда катта салоҳияти ва жуда кенг имкониятлар бор. Биз олдимизга қўйган мақсад ана шу мавжуд имконият ва салоҳиятлардан самарали фойдаланиш.

Ўзбекистоннинг МДХга раислиги жуда самарали бўлди, барча давлат раҳбарлари буни эътироф этишди. Кўплаб давлат раҳбарлари Ўзбекистон раҳбарининг тақлифлари ва ташаббуслари кейинги фаолият учун асос бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, транспорт-коммуникациялар, соғлиқни сақлаш, ҳарбий техникавий, экология, ижтимоий ва минтақавий хавфсизлик, маданият, гуманитар алоқалар ва таълим соҳаларида ҳамкорликнинг катта истиқболлари мавжуд.

Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган онлайн мулоқоти катта қизиқиш билан кузатдим. Бу йил бутун дунё катта синовларни бошидан ўтказди. Хусусан, пандемия давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Аммо шунга қарамастан, Ўзбекистон раислик вазифасини катта масъулият билан аъло даражада уddалади. Бу фикр йиғилиш иштирокчилари томонидан ҳам таъкидланди. Учрашув давомида стратегик ҳамкорликнинг истиқболлари батафсил муҳокама этилди. Қабул қилинган ҳужжатлар аҳамияти жуда катта. Бунда эса Ўзбекистоннинг ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрни муҳимдир.

Жамшид Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирлиги раиси:




— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз чиқишида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди. Яъни саноат кооперациясини ривожлантириш хусусида. Албатта, бу кўпликка маълум МДХга аъзо давлатлар саноат тармоқлари бир-бирини тўлдирувчи. Бир-бири билан боғлиқ ва улар қўшилган қиймат занжирини пайдо қилувчи тармоқлар, деб айтсак бўлади. Шунинг учун Президентимиз келгуси йилда саноат кооперацияси форумини ўтказиш ташаббусини айтди. Бу форумга катта тайёргарлик кўришимиз лозим. Шу билан бирга, форумда Ўзбекистонлик саноatchилар бошқа мамлакатлардан келадиган ҳамкасблари билан катта-катта шартномаларни имзолашлари мумкин. Узаро кооперация юзасидан келишувларга эришадилар. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқариши кўпаяди. Иш ўринлари яратилади. Пировардида тақлиф қўлқўшимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

Марина ДОЛГОПОЛОВА, Беларусь Республикасининг МДХ Ўзбекистонда кўзда тутилган ҳамда бошқа органида ҳузуридаги доимий мухтор вакили:

— Ўзбекистон раислиги даври стратегик аҳамиятга эга янги келажак истиқболга тегишли режалар, йўналишлар ва аниқ чора-тадбирларни бел-

Ҳамкорликнинг келгуси йилда раислик қиладиган мамлакатлар билан таъминлаш бўйича таъминоти инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисmini давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.



— Бугун Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг чиқаришларида иқтисодий ҳамкорликни, электрон савдоларни, меҳнат миграцияси соҳасидаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш келгуси йилдаги фаолиятимизга сўзсиз таъсир ўтказувчи кўшма кластерларни яратишга қаратилган янги усуллардан янада самаралироқ фойдаланиш борадидаги янги дастурий ташаббуслар ўртага ташланди. Бойси Ҳамдўстлик худудда аҳоли-ишон билан раислик қилувчи хар бир давлат хамраислар билан узвий ҳамкорликка ишлайди. Шу сабаб ўзини таърибли етакчи сифатида намоён эта олган Ўзбекистон билан ҳамкорлик бизнинг раислик фаолиятимизни янада самаралироқ бой ва ёдда қоларли бўлишига ёрдам беради.

Содиқ ИМОМИЙ, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида МДХ Давлат раҳбарларининг видеоконференция форматидagi йиғилиши бўлиб ўтди. Унда МДХнинг келгуси тараққиёти концепцияси ва уни амалга ошириш режалари муҳокама қилинди. Бу жуда ҳам фундаментал ҳужжат. Бир йил илгари Ўзбекистон узнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги раислиги бўйича концепциясини тақдим этган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев буни тарихий воқеа сифатида эътироф этди. Чунки Ўзбекистон илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилди. Бугун ишон билан айтганимизки, Ўзбекистон тақдим этган концепцияда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни тўлиқ бажарди. Пандемия даврига қарамастан, Ўзбекистон раислигида олти йилга яқин турли соҳаларга оид йиғилишлар ўтказилди ва уларда етмишдан ортқ ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида мен иқтисодий стратегияни алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ҳужжат 2030 йилгача мўлжалланган. Шунингдек, туризм, ёшлар сиёсати ҳамда транспорт каби устувор соҳалардаги ҳамкорлик стратегиясининг аҳамияти жуда юқори. Бу концептуал ҳужжат бўлиб, узаро ҳамкорликнинг турли йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилади. Қисқача айтганда, Ўзбекистоннинг МДХдаги раислиги бизнинг узаро ҳамкорлигимизни, барча аъзо давлатларнинг узаро алоқаларини янада изчил ривожлантиради.

«Халқ сўзи».

Барқарор тараққиёт йўлидаги муштарак мақсадлар

Ўзбекистоннинг МДХдаги раислиги Концепциясига мувофиқ, Ҳукумат раҳбарлиги кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши, Иқтисодий кенгаш мажлиси раиси, соҳа ва ий ҳамкорлик органлари, жамиятнинг рақамли ривожланиш соҳасидаги узаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, 2025 йилгача харбий ҳамкорлик ва 2030 йилгача минтақаларо ҳамда трансчегаравий ҳамкорлик концепциялари долзарб аҳамиятга эга.



МДХнинг 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожланиш стратегияси алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур ҳужжатда давлатлар ўртасида иқтисодий шерикликнинг 30 дан ортқ йўналиши бўйича узаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш, миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардорлиги ва Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқаролари турмуш фаровонлигини ошириш, МДХга аъзо давлатларининг жаҳон иқтисодий муносабатларидаги позицияларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Жорий йил май ойида Ҳамдўстлик Ҳукумат раҳбарлари кенгаши томонидан тасдиқланган МДХга аъзо давлатларнинг 2030 йилгача бўлган даврда транспорт соҳасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари мазкур стратегияни ҳаётга

ҳужжатлар сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, маданият, туризм, спорт, ёшлар сиёсати, инновацион ривожланиш каби устувор йўналишларни қамраб олди.

МДХ маконида барқарор ривожланиш учун, хусусан, 2021 — 2030 йилларда туризм, жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар сиёсати соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегиялари, жамиятнинг рақамли ривожланиш соҳасидаги узаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, 2025 йилгача харбий ҳамкорлик ва 2030 йилгача минтақаларо ҳамда трансчегаравий ҳамкорлик концепциялари долзарб аҳамиятга эга.

МДХнинг 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожланиш стратегияси алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур ҳужжатда давлатлар ўртасида иқтисодий шерикликнинг 30 дан ортқ йўналиши бўйича узаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш, миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардорлиги ва Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқаролари турмуш фаровонлигини ошириш, МДХга аъзо давлатларининг жаҳон иқтисодий муносабатларидаги позицияларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Жорий йил май ойида Ҳамдўстлик Ҳукумат раҳбарлари кенгаши томонидан тасдиқланган МДХга аъзо давлатларнинг 2030 йилгача бўлган даврда транспорт соҳасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари мазкур стратегияни ҳаётга

таъбиқ этилишига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу дастурималам ҳужжатда умумий транспорт маконини шакллантириш ва МДХ мамлакатларидаги транспорт коридорларининг рақобатбардорлигини ошириш, уларнинг Европа ва Осиё транспорт тизимларига интеграциялашув бўйича мувофиқлаштирилган сиёсат олиб бориш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг МДХдаги раислигининг энг муҳим йўналиши — МДХни яқин ўн йилликда янада ривожлантириш бўйича концепциянинг қабул қилиниши бўлиб, унда ҳамкорликнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа соҳалардаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда узоқ истиқболда хар бир аъзо давлатнинг самарали ривожланишини таъминлайдиган интеграциялашган иқтисодий ва сиёсий бирлашма ташкил этиш бўйича келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Концепциянинг аҳамияти шундаки, у МДХга аъзо давлатларнинг миллий иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини мустаҳкамлаш, жаҳон сиёсий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий жараёнларига кириб боришдаги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган ҳамда Ҳамдўстлик тузилмалари ва иш услубини жадал ривожланаётган дунёнинг янги вазифаларига мослашини назарда тутган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон раислигида МДХга аъзо давлатларнинг 2021 — 2025 йилларда ташқи чегараларда чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорлик дастури, шунингдек, давлатларо инновацион маконни ривожлантириш асосида иқтисодий тараққиётнинг инновацион жиҳатини қучайтиришга қаратилган МДХга аъзо давлатларнинг 2030 йилгача инновацион ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича давлатларо дастури келишилди ва қабул қилинди.

Ўқорида келтирилган ўрта ва узоқ муддатли мазмундаги концептуал ҳамда дастурий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича мувофиқлаштирилган ишлар МДХга аъзо давлатларнинг стратегик манфаатлари ва ривожланиш мақсадлари муштараклигини, уларнинг кенг қўлмали масалалар бўйича тенг, узаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдорлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни бўлиб ўтган МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида илгари сурган Ҳамдўстлик доирасида электрон тижоратни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”, Саноат кооперациясининг кенг қўлмали дастури, Меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлик дастури, Дерадикализация соҳасида ҳамкорлик дастурини қабул қилиш, “МДХ соғлиқни сақлаш мар-

фонини” ўтказиш ва бошқа ташаббуслар долзарб аҳамиятга эга. Қабул қилинган стратегия ва концептуал ҳужжатларни амалга оширишга қаратилган ушбу ташаббусларни ҳаётга таъбиқ этиш МДХга аъзо давлатларнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш. Ҳамдўстликда инновацион кейинги даврда барқарор ва изчил ривожланиш таъминлаш бўйича умумий сазй-харажатларни бирлаштиришга имкон беради. Бу, ўз навбатида, Ҳамдўстликнинг кўп томонлама ҳамкорлигининг самарали механизми сифатида ҳаётлилигини, яъни шароитларга мослашишга тайёрлигини, МДХга аъзо давлатларнинг мамлакатларимиз аҳолиси турмуш фаровонлиги ва сифатини барқарор равишда яхшилашга бўлган умумий интилишини тасдиқлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Ҳамдўстлигидаги иштирокчи фаоллаштирилган ҳолда кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга содиқликни яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистоннинг МДХдаги раислиги доирасида эришилган юқори натижалар аъзо давлатлар мамлакатимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик ҳамда барқарор ривожланиш таъминлашига барча йўналишда амалий шерикликни чуқурлаштириш бўйича сазй-харажатларни бирлаштиришдаги интилишини хар томонлама кўлаб-қувватлаётганидан далolat беради.

«Дунё» АА.

МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ЛОЙИҲАСИДА НИМАЛАР АКС ЭТАДИ?

Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли резолюцияси қабул қилинганнинг 20 йиллиги доирасида “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли резолюцияси бўйича миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги энг яхши амалиётлар” мавзусида онлайн давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти котибияти (Вена), ЕХТНнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан ташкил этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли резолюцияси бўйича ишлаб чиқилган миллий ҳаракатлар

режасининг аҳамияти хусусида тўхтади. Сенат Раисининг сўзларига кўра, “Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг иштирокини фаол илгари суриш мамлакат ҳукуматининг асосий вазифасидир”. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан сўнгги пайтларда мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг ҳаётини муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг ролини сезиларли даражада оширишга оид қатор қарорлар қабул қилинган иштирокчиларнинг диққат-эътиборини тортди.

Шунингдек, “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” бўйича миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси гендер сиёсатини янада самарали амалга ошириш ва энг яхши натижаларга эришишга интиладиган устувор соҳаларни белгилайди. “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли резолюцияси бундан 20 йил олдин 2000 йил 31 октябрда мижорларнинг олдани олиш, ҳал қилиш ва тинчлик ўрнатишда аёлларнинг муҳим ишти-

рокисиз барқарор дунёга эриша олинмаслиги тан олинган ҳолда қабул қилинган эди. Ушбу асосий қарор аёлларнинг барча тинчлик ва хавфсизлик ташаббусларида гендер масалаларини амалга ошириш билан бир қаторда, тўлиқ ва тенг иштирок этишга қақиради. Мазкур резолюция аёлларни мижорларни ҳал қилиш бўйича тинчлик музокараларида кўпроқ иштирок этишга, шунингдек, халқро ва миллий даражадаги етакчилик лавозимларида аёллар сонининг қўлайлишига кўпроқ жалб қилишга ундаши билан эътиборга молик.

Утган 20 йил мобайнида БМТнинг 193 давлатидан 86 та давлатда резолюцияни амалга ошириш бўйича “Ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилди. Ушбу давра суҳбати давлатларнинг энг яхши амалиётларини ўрганишга бағишланди. Тадбир давомида халқро ва миллий экспертлар томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли резолюцияси бўйича миллий

ҳаракатлар режасини амалга ошириш ва мониторинг қилишнинг хорижий таърибаси ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, Ирландия Ташқи ишлар ва савдо вазирлигининг иштирокчиларини олдини олиш бошқармаси директори, элчи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Ушбу Қонун билан келгуси йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва консолидациялашган Давлат бюджетни прогнозлари ҳамда 2022-2023 йиллар учун бюджет мўлжаллари белгиланмоқда.

Макроиктисодий сиёсатнинг асосий йўналиши ва кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам коронавирус пандемияси давом этиши тахминларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

Бунда асосий эътибор макроиктисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш, фискал рабатлантириш чораларини мўтадиллаштириб бориш, иқтисодий ўсиш суръатларининг 5 фоиздан юқори бўлишини таъминлашга қаратилган.

Инфляция даражасининг пасайиш тенденцияси давом этиши ва келгуси йилда унинг 10 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Ушбу ривожланиш кўрсаткичларига ҳар бир соҳада бошланган тарқибий ислохотларнинг сифатли давом этиши орқали эришиши назарда тутилган.

Кайд этилганлардан келиб чиқиб, 2021 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 178,5 триллион сўмга ёки ялпи ички маҳсулотнинг 25,9 фоизи даражасида прогноз қилинган.

Давлат бюджетни даромадлари 147,2 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 21,3 фоиз миқдориди белгиланмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 26,2 триллион сўм, харажатлари эса 40,8 триллион сўм миқдориди режалаштирилган.

Давлат мақсадли жамғармаларига республика бюджетидан 15,9 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари 23,5 триллион сўм, харажатлари 36,5 триллион сўмни ташкил этгани ҳолда бюджетдан 14,7 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Давлат бюджетидан иқтисодий соҳаларга, хусусан, таълим соҳаси харажатларига 34,6 триллион сўм, соғлиқни сақлаш соҳасига 19,6 триллион сўм, маданият ва спорт соҳаси харажатларига 2,6 триллион сўм ва фанни янада ривожлантириш тadbирлари учун 1,2 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

Давлат дастурлари орқали эса узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурлари учун 2 197 миллиард сўм, фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 168 миллиард сўм, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун 3 952 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш чоралари доирасида қонунда илк бор биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари бюджетда давлат дастурлари учун ажратилган маблағлар алоҳида қўрсатилиши назарда тутилганини кайд этиш лозим.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сўнгра "Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама марказида бўлди. Мазкур Қонун билан бюджет тизими ва бюджет жараёнини такомиллаштириш чоралари белгиланмоқда.

Ушбу чораларнинг Бюджет ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгариш киритиш орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Бунда Бюджет кодексига киритилган ўзгариш билан бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш тартиби бузилган ҳолларда вазирлик ва идоралар раҳбар ходимларига жарима қўлланилиши белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси ҳақидаги ҳисоботнинг тақдим этилган, бюджет жараёнининг шаффофлигини таъминлаш тартибини бузган вазирлик ва идоралар раҳбарларига жарима қўллаш бўйича ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенат аъзолари Қонунни маъқуллади. Шундан сўнг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди.

2021 йилда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардорлигини ошириш орқали солиқлар йилгулганлигига эришиш Қонуннинг асосий мақсадидир.

Шунга қўра, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш киритилмоқда.

Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида тегишли солиқ ставкаларини босқичма-босқич базавий ставкаларга етказишни назарда тутувчи ўзгаришлар ҳам киритилмоқда.

Сенат аъзолари томонидан мазкур Қонун маъқулланди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил тўққиз ойидagi ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси белгиланган параметр доирасида жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнларнинг инobatта олган ҳолда ташкил этилган.

Бюджет ижросида коронавирус инфекциясига қарши курашиш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Инқирозга қарши курашиш комиссиясининг қарорлари ижросига алоҳида эътибор қаратилган.

Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мақсадида ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нарҳларда 408,3 триллион сўмни ташкил этган.

Бу эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 0,4 фоизга ўсишни таъминлаганлигини кўрсатади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида 3,4 фоиз, қурилишда 8,6 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 2,3 фоиз ўсишга эришилган.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетни даромадлари 94,4 триллион сўмга бажарилган бўлиб, белгиланган прогноздан 2,9 фоизга кўп бўлган. Харажатлари эса 102,2 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 25,0 фоизни ташкил этган.

Ҳисобот даврида иқтисодий харажатларни молиялаштириш учун жами 53,7 триллион сўм сарфланиб, бу умумий харажатларнинг 52,5 фоизини ташкил этган. Шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 50,4 триллион сўм ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3,3 триллион сўм маблағлар сарфланган. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан соғлиқни сақлаш соҳасига 2,7 триллион сўм ажратилган.

Жумладан, моддий рабатлантириш харажатлари учун 1,5 триллион сўм, дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари, тест тизимлари антисептик воситалар ва дезинфекция қилиш ишларига ҳамда карантинда ва даволашда бўлган фуқароларни сақлаш ишларига 1,2 триллион сўм маблағлар сарфланган.

Шунингдек, сенаторлар ҳисобот даврида харажатлар режага нисбатан кам ижро қилинганлиги, хусусан, жорий харажатлар ва капитал қўйилмалар тўлиқ молиялаштирилмаганлиги каби ҳолатларнинг мавжудлигига эътибор қаратади.

Бугунги мураккаб пандемия шароитида аҳолини кучли иқтисодий ҳимоя қилиш ва соғлигини таъминлаган ҳолда иқтисодиётни қайта тиклаш йўлида муайян ишлар амалга оширилганлиги ҳам кайд этилди.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳисоботдан жойларда мактабга таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, мавжудларини мукамал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, қолаверса, ҳудудлардаги ички йўлларни қуриш ва таъмирлашга эътиборни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтириш ва бунда маҳаллий Кенгашларда очик, шаффоф ҳисобот бериб боришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги билдирилди.

Аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда иқтисодий ҳимоянинг манзиллигини кучайтириш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Сенатининг Давлат бюджетининг 2020 йил тўққиз ойлигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш юзасидан қарори қабул қилинди.

Шундан кейин "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, жаҳон миқёсида коронавирус пандемияси барча соҳаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Хусусан, ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмиларининг кескин қисқариши, дунё молия бозорларида ҳам ашё товарлари нархининг пасайиши каби қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Шунга қарамай, мамлакатимизда пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида тезкор ва муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Макроиктисодий барқарорлиқни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рабатлантириш, аҳолини самарали иқтисодий қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш чоралари шулар жумласидандир.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унга қўра, коронавирус пандемияси кўтилгандан узокроқ давом этганлиги, бунинг натижасида қўшимча харажатларнинг юзага келиши муносабати билан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари 10 триллион сўмдан 13,4 триллион сўмга кўпайтилган.

Шу билан бирга, Давлат ташқи қарзини жалб этиш бўйича имзоланган янги шартномаларнинг чегараларини ҳам жиҳатда 5,5 миллиард АҚШ долларига ҳамда 5,5 миллиард АҚШ долларига ҳам оширилмоқда.

Қолаверса, "Давлат бюджетни тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорининг 10 ва ундан ортққ фоизга ўзгариши ҳам тақдим этилмоқда.

Шунингдек, 2020 йил учун давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда уларнинг харажатлари жадалдаги йил боши ва йил охири қолдиқларига аниқлик киритилмоқда.

Сенат аъзолари ушбу Қонунни маъқуллади.

Сўнгра Наманган вилоятини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан вилот яқини вазифини бажарувчи Ш.Абдурақовнинг ҳисоботи эшитилди.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи томонидан жорий йил 23 — 27 ноябрь кунлари вилоятни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни комплекс равишда ўрганиш яқунлари ҳам батафсил муҳокама қилинди.

Ҳисоботда вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш, айниқса, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, sanoat тармогини кен-

гайтириш, тўқимачилик соҳасини янада ривожлантириш ва бу орқали аҳоли даромадларини оширишга эришиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги кайд этилди.

Хусусан, 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 18 триллион 76,3 миллиард сўмни, ўсиш суръати эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 104,5 фоизни ташкил этган.

Маҳаллий бюджет даромадлари прогноз режаси амалда 105,6 фоизга бажарилганлиги натижасида бюджетга 76,3 миллиард сўм қўшимча манбалар шакллантирилди.

Пандемия даврида 252 та корхонанинг 5,6 миллиард сўм миқдоридagi солиқ қардорлиги, тадбиркорлик субъектларининг 2 минг 412 та кредит шартномаси бўйича 502,6 миллиард сўмлик тўловлар муддати узайтирилган.

Бундан ташқари, вилотда 258,7 миллион АҚШ доллари миқдоридa тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,5 фоизга ўсган.

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати 3,4 триллион сўмга тенг бўлган 1 минг 270 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 16 мингдан ортққ янги иш ўринлари яратилган.

Вилот қорхоналари томонидан 347,4 миллион АҚШ доллари миқдоридa, хусусан, вилотнинг экспорт географиясига янги қўшилган Молдова, Македония, Гана, Кипр, Сурия каби давлатларга 6,7 миллион АҚШ доллари миқдоридa маҳсулотлар экспорт қилинишига эришилган.

Қолаверса, вилотнинг Учйи ва Норин туманларини Андижон вилотининг Балхик тумани билан боғловчи авария ҳолатидаги Норин кўприги замонавий талаблар асосида реконструкция қилинган.

Яна бир жиҳат. Ҳудудда "жиноятчиликни жиловлаш", содир этилган жиноятларни фoш этиш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида 775 та маҳалладан 375 тасида (48,4%) жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган, 301 та маҳаллада (41,8%) жиноятлар сони камайган.

"Хавфсиз шаҳар" концепцияси доирасида Наманган шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлиминисидa хизматга жалб этилган куч ва воситаларни марказлашган ҳолда бошқариш имконини берувчи "Вазиятлар маркази" ташкил этилган, шаҳарнинг ягона геонформация хабароти яратилган.

Бундан ташқари, вилотда "темир дар" та киритилган 34,7 мингдан ортққ оилаларга 18 миллиард сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилган. Ушбу оилаларнинг 47,4 минг нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланган ва доимий даромад манбаи яратилган. Натижада сектор раҳбарларининг таъсияси асосида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари билан 24,4 мингдан зиёд оилалар рўйхатдан чиқарилган.

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари доирасида хорижий давлатлардан қайтиб келган 1 минг 120 нафар аёллар иш билан таъминланган, 551 нафарига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар берилган. Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 6 миллиард сўм маблағ ҳисобига 16 та

лоийҳа молиялаштирилиб, 1 минг 251 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Тажриба-синов тарихида таъинланган Наманган шаҳри ва Тўрақўрғон туманидаги хонадонлар тўлиқ ўрганилиб, "аёллар дафтари"га киритилган 4,7 минг нафардан ортққ хотин-қизларни иқтисодий-хуқуқий қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш, бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган ва ижрога қаратилган.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудидa "Ёшлар" кичик sanoat зоналарини ташкил этиш ишлари бошланган. Хусусан, Наманган шаҳрида ёш тадбиркорлар учун "Ёшлар" махсус кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, ушбу 30 гектарли ҳудудда 65 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда келгусида "ёшлар дафтари"га киритилган ўғил-қизлар учун 3,5 мингта янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, мажлисда вилотни ривожлантириш борасида ўз ечимини қўтиб турган айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам кайд этилди.

Жумладан, бугунги кунда вилотдаги 54 та бўш турган давлат объектдан самарали фойдаланиш бўйича зарур чоралар қўйилмапти. Кредит маблағларини ажратиш масалалари кечикатганлиги бундан ташқари 1985 йилда қурилган сув тозалаш иншооти суткасига қувватига нисбатан 1,7 баробар кўп чикинди қабул қилинаётганлиги сабабли тез-тез авария ҳолатлари юзага келмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудда истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш, аҳолининг электр энергияси билан барқарор таъминлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд.

Мажлисда вилотни ўрганиш яқунлари халқ депутатлари вилот Кенгашининг 2020 йил 28 ноябрдаги сессиясида танқидий муҳокама этилганлиги, унда вилот даражасидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича 88 банддан иборат "Йўл харитаси" тасдиқланганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмаас чораларни кўриш зарурлиги кайд этилди. Бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилотда ўз ечимини қўтиб турган республика даражасидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди ва унинг ижроси устидан сенаторлик назоратини йўлга қўйиш белгиланди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ижро этилишининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз томонидан Орол денгизини қуриш натижасида минтақада юзага келган ҳам иқтисодий-иқтисодий, ҳам экологик муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бош миқдоридан туриб Орол денгизини инқирозига чегара биймайдиغان глобал экологик муаммоларни келтириб чиқарганлигини таъкидлаб, дунё ҳамжамиятини оғоҳликка чакрди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, "яшил" иқтисодиёт, экологик тоза, энергия ва сув тежовчи технологиялар принципларини комплекс жорий этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, экотуризмни ривожлантириш ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида минтақанинг умумий кучларини бирлаштиришга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу савй-харакатлар, аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлидаги муҳим қадам саналади.

Мажлисда ушбу қарор ижроси юзасида Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б.Алихонев ахборот берди.

Қайд этилганидек, Президент қарори асосида 2020 — 2023 йилларда 2788 та лойиҳа ва объектларда 21 триллион 209 миллиард сўмлик кенг қўламли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. 2020 — 2023 йилларда Оролбўйида ҳудудий инвестиция лойиҳалари ва sanoat кластерларини ташкил этиш бўйича эса қиймати 12,3 триллион сўмлик 1 359 та лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Яна бир жиҳат. Дастур ижроси устидан Парламент назоратини амалга ошириш, олиб борилаётган ишларни тизимли ўрганиш мақсадида сенаторлар, хусусан, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан бевосита жойларга чиқиб таҳлил қилинган мунтазам ўтказилмоқда. Ўрганишлар жараёнида қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, инвестиция лойиҳаларининг ижро этилиши ҳолати, "темир дарфт", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган оилалар билан ишлаш, юзага келган масалаларни жойида ҳал этиш, ОАВ вакиллари ва блогерлар билан ҳамкорлик масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Сенаторлар томонидан алоҳида жадвал асосида ноябрь ойида олиб борилган назорат-таҳлил тадбирларида 17 та туман (шаҳар)да жами 187 объект ўрганилган ҳамда 1 минг 91 нафар таъмир ва аҳоли фаоллари билан учрашилган. Шунингдек, ҳудуд бўйича тасдиқланган дастур доирасида туман (шаҳар)да амалга оширилиши лозим бўлган жами 1 минг 167 та лойиҳанинг ижро этилиши ҳолати чўқур таҳлил қилинган.

Жорий йилнинг 5 декабрь ҳолатига рўёбга чиқарилиши белгиланган мазкур лойиҳалардан 3 триллион 164 миллиард сўмлик 1108 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилган. Шундан қишлоқ хўжалиги соҳасида 592,0 миллиард сўмлик 358 та лойиҳа, sanoat соҳасида 1 триллион 981 миллиард сўмлик 311 та лойиҳа ҳамда жиҳат кўрсатиш соҳасида 590,8 миллиард сўмлик 439 та лойиҳа молиялаштирилган. Улардан 899,6 миллиард сўмлик 605 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 3166 та янги иш ўрни яратилган.

Шу билан бирга, мажлисда ўрганишлар жараёнида эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланганлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, 2020 йил 5 декабрда ишга тушиши лозим бўлган жами 974,5 миллиард сўмлик 76 та лойиҳа турли сабабларга қўра белгиланган муддатда ишга туширилмаган. Қолаверса, банк кредити ҳисобидан ишга туширилиши лозим бўлган 15 та лойиҳага 15,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилмаганлиги ҳам аниқланган.

Бундан ташқари, бугунги кунда иқтисодий-иқтисодий инвестиция дастурларини амалга оширишда масъул ташкилотлар томонидан лойиҳаларнинг ижросини масъулият билан ёндашган ҳолда чўқур таҳлил қилиниши ҳамда лойиҳаларнинг истиқболлиги чўқур ўрганилиши лозимлиги, шаҳар ва туманларнинг иқтисодий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларнинг самарадорлиги, ишлаб чиқариш қувватлари, янгидан ташкил этиладиган иш ўринларига алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Қолаверса, ҳудудларни ўрганиш жараёнида қатор муаммоларга Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан ижобий ечим топиладиганлиги тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Жумладан, "Ўзбекистон" МФЙ ҳудудидa "Қора ой парранда" МЧЖни ўрганиш давомида жамиятга тегишли ферма қурилиши экологик экспертизасиз ва атрофдаги хонадонлар аҳолиси билан келишилмасдан бошлаб оуборилгани маълум бўлди. Ушбу масала бўйича МФЙ фаоллари билан биргаликда 26 та хонадонга кирилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ва суҳбатлар ўтказилган ҳамда уларнинг розилиги олинган. Шунингдек, экологик экспертизадан ўтказилишига амалий ёрдам кўрсатилган.

Қўмита ташаббуси билан "Қора оғоч" овулининг "Отақул" МФЙ ҳудудига соати-га 5 куб метр сувни тозалайдиган ва чуқуллаштирадиган иншоот ўрнатиб бериш ишлари бошланган.

Яна бир жиҳат. Туманлар кесимида маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат Ички гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. 200 дан ортққ тадбиркорлар ва аҳоли фаоллари билан учрашувлар ташкил этилган, учрашувлар яқини бўйича ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб келгуси йиллар инвестиция дастурларига киритиш учун 40 га яқин тақлифлар шакллантирилган. 100 дан ортққ иқ

Муносабат

ҚИЗГИН МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнчинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим бўлган қатор масалалар кўрилмоқда. Ялпи мажлисининг

биринчи қунида улардан айримлари қизгин муҳокама қилинди. Сенаторлар уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

давлат дастурлари ва бошқа тадбирлар ижросини таъминлаш учун Президент ва Ҳукумат қарорлари асосида берилган топшириқлар натижада маблағлар миқдори ортган.

Қолаверса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратилиши режалаштирилган трансфертлар миқдори ҳам 1,1 триллион сўмга оширилди.

Шулар асосида айтиш мумкинки, сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу Қонун юртимизда ижтимоий-иқтисодий вазият барқарорлигини сақлаш ҳамда глобал инқироздан кейинги даврда миллий иқтисодиёт тез суръатларда тикланиши учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қилади.

Халқ вакиллари — худудларда

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР, ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзи сайланган округларда бўлиб, худудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганишмоқда.

Шу йилнинг 16 декабрь кунин Президентимиз раислигида қил мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилиб берилган вазифалардан келиб чиқиб, асосий эътибор аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига табиий ҳамда сулолтирилган газни белгиланган чора-тадбирларга асосан ажратилган миқдорда етказиб берилиши ҳолатига қаратилмоқда.

Шу билан бирга, таълим муассасалари фаолияти ҳам ўрганиляпти.

Электр таъминотидаги камчиликларни ҳал этиш бўйича таклиф тайёрланди

54-Норин сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган Зафар Худойбердиев Норин тумани ҳокимлигида сайловчилар вакиллари билан мулоқотда бўлди. Айни чоғда Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йилда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва қонунлар тарғиботи ҳамда сайловчилар мурожаатлари билан ишлаш йўналишларида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Депутат шу куннинг ўзига тумандаги Тегирмонбози, Сузоқовул маҳалла вакиллари билан аҳоли муаммолари билан қўшқиди. Сайловчилар томонидан қўчаларга шағал ётқизиш, электр энергиясидаги узлишлар, нимстанциялар, симёғочлар ҳолати, сулолтирилган газ, табиий газ таъминотидаги муаммолар кўтарилди. Бу масалалар туманининг хизмат кўрсатиш соҳаси раҳбарлари иштирокида жойида қўриб чиқилиб, ечимни юзасидан амалий чоралар кўрилди.

— Сузоқовулдаги 22-умум-

таълим мактабининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, ҳозирги ҳолати билан танишиш, — дейди З. Худойбердиев. — Бинонинг иситиш тизимида муаммолар йўқ, бошқа шарт-шароитлар ҳам яхши. Аммо мактаб замонавий компьютерлар билан таъминланган бўлса-да, улардан етарлича фойдаланилмаяпти. Боиси, худудга келтирилган интернет тармоғи ҳали мактабга олиб қилинмаган. Асосан, маблағ билан боғлиқ бўлиб турган бу масала ниҳоятгина етказилди. Билан даргоҳи яқин кунлар ичида тармоққа уланади.

Хўжақўрғонча маҳалласи аҳлининг депутатга мурожаати ҳам ечимини топадиган бўлди. Бу ерда аҳоли маблағи ҳисобига қўрилаётган "Умархўжа Эшон" жомье масжидининг электр тармоғида мавжуд муаммони ҳал этиш учун тегишли таклиф тайёрланди.

Депутат ўйни туманидаги сайловчилар билан ҳам учрашишни режалаштирган.

Масъул вазирликка депутат сўрови юборилмаган бўлди

Депутат Фахриддин Самадов Сурхондарё вилояти Жаркўрган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабида "Фур-фур", "Оқтепа" ҳамда "Обихаёт" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашди.

Мулоқотларда туман ҳокими Б. Уроқов, 3-сонли раҳбари Б. Хидиров, шунингдек, аҳоли муаммоларини ҳал этиш мақсадида тумандаги масалалар алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Дастлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва қонунчилигимиздаги янгилликлар ҳақида аҳолига тушунирилган бериб ўтди. Шундан сўнг, маҳалла аҳлининг мурожаат ва муаммолари бирма-бир тингланиб, ечим борадида маълумотлар берилди. Муддат талаб қиладиган масалалар бўйича тегишли ташкилотларга кўрсат-

малар берилиб, ечимни назоратга олинди. Учрашувда "Обихаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 40-умумтаълим мактабида синфхоналар етишмаслиги, дарслар мослаштирилган хоналарда ўқитишга, ўқитувчилар хонаси йўқлиги юзасидан кўтарилган муаммо жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва ўз ечимини кутаётган ушбу масала бўйича тегишли вазирликка депутат сўрови юборилмаган бўлди.

Шунингдек, депутат Ф. Самадов сайлов округидаги ўрганиш жараёнида бо-зорларда нарх-наво ошиши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда асосий турдаги озик-овқат аҳлининг мурожаат ва муаммолари бирма-бир тингланиб, ечим борадида маълумотлар берилди. Муддат талаб қиладиган масалалар бўйича тегишли ташкилотларга кўрсат-

Депутат кўмаги билан мактаб инвестиция дастурига киритилди

125-Қарши сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Фарход Жайниев Қарши шаҳридаги ижтимоий соҳа объектларининг фаолияти, уларнинг куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши, биноларнинг ҳолати, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси ҳамда аҳолига бирламчи табиий-санитария ёрдами кўрсатишининг сифати ва самардорлигини ошириш борадида олиб борилаётган ишларни атрафлича ўрганилди.

Депутат Ф. Жайниевнинг дастлабки манзили Қарши шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактаби бўлди. Ўрганишда маълум бўлдики, таълим муассасаси капитал таъмирга муҳтож. Бугунги кунда мактабда иситиш тизими ишламайди, ошхона ва ичимлик суви таъминоти мавжуд эмас. Айни чоғда мактабнинг спорт залидан умуман фойдаланиб бўлмайди.

Депутат кўмаги билан мактабни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2021 йилда республика

бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция дастурига киритилди. Депутатнинг кейинги манзили Қарши шаҳридаги 23-мактабга таълим ташкилоти бўлди. Мазкур таълим муассасаси ўтган 60 йил давомида таъминланмаган, ҳозирги кунда 185 нафар ўқувчи тарбияланади. Канализация тизими ишламайди. Ичимлик суви таъминоти мавжуд эмас, ховуздан фойдаланиб келинади.

Қарши шаҳар Амир Темир кўчасини реконструкция қилиш режаси бўйича боғча унинг кўча каватли тураржой биноси қурилиши режалаштирилган. Аммо боғча атрофида жойлашган худудда бошқа мактабга таълим ташкилоти мавжуд эмаслиги инобатга олиниб, келгусида унинг ўрнида янги замонавий боғча қуриш бўйича тегишли масъул мутасаддиларга таклифлар берилди.

Халқ вакиллари худудлардаги ўрганишнинг давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Наманган вилояти тўққиз ойда яхши натижаларга эришган, аммо...

Толибжон МАДУМАРОВ, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раиси:

— Ялпи мажлисида Наманган вилояти ҳокимининг худудлари ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботи ҳам эшитилди.

Унда қайд этилганидек, вилоятда 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида салмоқли натижаларга эришилган. Буни биргина ялпи худудий маҳсулот ҳажми 18 триллион 554 миллиард сўми, ўсиш суръати ўтган йилнинг сўми давридагига нисбатан 104 фоизни ташкил этгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, маҳаллий бюджет даромадлари режаси ортими билан бажарилган ва бюджетга 76 миллиард сўмлик қўшимча маблағ келиб тушган.

Шуларга мис қўйиб тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пандемия даврида 252 та корхонанинг 5,6 миллиард сўмлик солиқ қарздорлигини ва тадбиркорлик субъектларининг 2 412 та кредит шартномаси бўйича 502,6 миллиард сўмлик туловлари муддати узайтириб берилган.

"Темир дафтар"га киритилган фуқаролар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 34,7 миңдан зиёд ана шундай оилаларга 18 миллиард сўм миқдорда манзилли ёрдам кўрсатилган. Бу оилалардаги 47,4 миң нафар меҳнатга лаёқатли киши

иш билан таъминланган. Натижада сектор раҳбарлари тавсиялари асосида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари билан 24,4 миңдан зиёд оилалар "темир дафтар"дан чиқарилишига эришилди.

"Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида тижорат банклари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида қарий 33 миңдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсга 670 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилган, унинг 79,8 миллиард сўми "темир дафтар"га киритилган 6 428 та оилаларга берилган, айниқса, эътиборлидир.

Вилоятда 258,7 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилган, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг сўми давридагига нисбатан 107,5 фоизга ўсганлигини ҳам айтиш жоиз. Қолаверса, худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 3,4 триллион сўмлик 1 270 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 16 миңдан зиёд кишилар иш ўрнига ога бўлган.

Айтиш керакки, 23 — 28 ноябрь кунлари Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан вилоятда худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, камбағалликни

Оролбўйи шаҳар ва туманлари чирой очмоқда

Борий АЛИХОНОВ, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси:

— Ялпи мажлисида яна бир долзарб масала, яъни 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастур ижросининг бориши тўғрисидаги масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, сўнгги йилларда Президент томонидан Орол денгизи қириши натижа-сида худудда юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик муаммоларни бартароф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундан қўзланган мақсад одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва улар даромадини кўпайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш ҳамда худуднинг инвестициявий жозибадорлигини оширишдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур қарор билан тасдиқланган дастур ижроси доирасида Оролбўйи шаҳар ва туманларида олиб борилаётган ишларни тизимли ўрганиш мақсадида Сенат аъзолари, шу жумладан, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан бевосита жойларга чиқиб таҳлилий ўрганишлар ўтказилмоқда.

Худудларга бириктирилган сенаторлар томонидан ноябрь ойида олиб борилган назорат-таҳлил тадбирларида 17 та туман (шаҳар)да 187 та объект ўрганилди

ва миңдан зиёд тадбиркорлар ва аҳоли фаоллари билан учрашилди.

Президент қарори бўйича 2 788 та лойиҳа ва объектда 21 триллион 209 миллиард сўмлик кенг қўламли ишлар бажарилиши режалаштирилган. Айни чоғда Қорақалпоғистонда 2020 — 2023 йиллар давомида жами 12 триллион 293 миллиард сўмлик 1 359 та инвестиция лойиҳасини бажариш белгиланган. Шу йилнинг 5 декабрь ҳолатига амалга оширилиши белгиланган бу лойиҳалардан 1 108 таси молиялаштирилган.

Худудда яна бошқа қўллаб-қувватлаш рўйбга чиқарилмоқда ва натижада Оролбўйи шаҳар ва туманлари чирой очмоқда.

Аммо ўрганиш жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилганиги ҳам аниқланганини айтиш зарур. Масалан, 974,5 миллиард сўмлик 76 та лойиҳа турли сабаб билан белгиланган муддатда ишга туширилмаган.

Бу масалалар ҳам қўмитамиз томонидан мутасаддилар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Натижада 22 та лойиҳа ижобий ҳал этилиб, дастурда белгиланган муддат ичида ишга тушишига эришилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати дастур ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан маҳаллаларда рўйбга чиқариладиган лойиҳалар ижросини сессияларда муҳокама қилиш, бу лойиҳаларни узаро мувофиқлаштириш ҳолда, батафсил таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишни кунлик назоратга олиш, ўз муддатида ишга туширилмаган лойиҳалар бўйича тегишли вазирлик ва идораларга парламент назорати тартибида сўров юбориш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

ҲАМЮРТИМИЗ «ЁШ ОЛИМ — 2020» ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Барчамизга яхши таниш бўлган доира мусиқа асбобининг тарихи билан ҳеч қизиқиб қўрганмизми? У нима учун ҳайвонлар терисидан тайёрланади ва қиздирилади? Негизда зарбли чолгу асбоблари таъкичалар ёрдамида чалинади, доира оҳанглари бармоқлар орқали ижро этилади?

Иқтидор



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, Андижон давлат университетининг биринчи босқич талабаси Ҳасанбой Қосимовнинг "Зарбли чолгу асбоблари тарихи" номли илмий мақола-сини ўқиб билдикки, ушбу тоифа мусиқа асбобларининг яратилиш тарихи Африка халқлари ўтмиши билан боғлиқ.

Унда таъкидланганича, қадимда, ҳали зарбли мусиқа асбоблари пайдо бўлма-сидан аввал одамлар йиртиқ ҳайвонлардан ўзларини ҳимоялаш учун уларни қўри-тиш усулидан фойдаланган экан. Яъни кўксига панжаси билан уриб, овоз чиқариб, кейинчалик эса бунинг ўрнига ҳай-вонлар терисидан фойдаланганлар. Ақл чарчлангани сари бу усул ҳам шакллана-верган. Вақтлар ўтиб тери қиздирилганда тортилиши ва натижада овоз янада жа-рандор чиқилиши аниқлаб етишган, уни оловда тоблашни ўзлаштирганлар. Зарб-

ли чолгу асбоблари шу тарика тараққий тогган. Ҳасанбой Қосимов яқинда Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган "Ёш олим — 2020" халқаро тан-ловда ушбу мақола-си билан қатнашди. Илмий излашлар маъсули аниқ манба-ларга асослангани, фикрлар ўз исботига эга эканлиги, хулосалар тўғри таъин эп-лгани билан ҳайъат аъзолари эътиборини тортиди. Натижада ҳамюртимиз "Энг яхши ёш олим" сифатида тан олинди, фахрли 1-ўринни эгаллади, 1-даражали диплом ҳамда олтин медал билан тақдирланди.

МДҲ мамлакатлари олий таълим му-ассасалари талабаларини қўллаб-қувват-лаш мақсадида ташкил этилган ушбу тан-лов илм-фан, техника ривожланишига ҳисса қўшаётган ёш олимларни кашф этаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ЯХШИЛИК ҚИЛМОҚҚА ШОШИЛ...


Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча ўтказилди.

Эҳтиром

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Мурувват" ижодий гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган тад-бир шоир ҳаёти ва ижодининг бош аъмолига айланган ўтти сатри — "Одамлар, авайланг бир-бирингиз-ни" деб номланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 ноябрдаги фармойиши билан айни кунларда бир гуруҳ ижод-корлар, санъат, илм-фан намоянда-лари қаторида Ўзбекистон халқ шои-ри Жуманиёз Жабборов таваллудининг 90 йиллиги ҳам кенг нишонлан-моқда.

Хотира кечасида яқинлари, шоғирд-лари ва мухлислари томонидан шир-нинг ибратли ҳаёт йўли, серкирра фаолияти, публицистик, таржимон, дра-матург, жамоат арбоби сифатида адибнинг санъат, маданият соҳалари ри-вожига қўшган ҳиссаси ёдга олинди.



Куйида севимли адибимизнинг шеърларидан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Тадбирда шоир ижодидан намуналар ўқилди.

Яхшилик қилмоққа шошил, вақт сени кутмас экан, Сен ярат ўз тақдирингни, бахт сени кутмас экан.

Меҳнатинг бирла етарсан, энг улуг орзуга ҳам, Аллақандайдир хаёлий тахт сени кутмас экан.

Энг кичик оддий зафар ҳам қўлга кирай ишқ билан, Ўз-ўзидан кафтга қўнган нақд сени кутмас экан.

Аҳд қилмоқ яхшиликка — одамийликдан нишон, Фурсатинг бир кун етар деб, аҳд сени кутмас экан.

Яхшилик қилмоққа шошил ҳақ йўлида, дўстгинам, Ушбу йўлда азму ғайрат, жаҳд сени кутмас экан.

ЭЪЛОН

«Инновация технологиялари маркази» МЧЖ

ўз худудида жойлашган объектларни капитал таъмирлаш, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш мақсадида тендер ўтказилишини эълон қилади ҳамда лойиҳа институтларини тендерда қатнашишга таклиф этади.

Мурожаатлар 2020 йилнинг 25 декабрь кунин соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 29-уй.

Телефонлар: 71-279-14-83, 71-279-14-93, 90-725-19-39. E-mail. imomovmm@mail.ru

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information, subscription rates, and a QR code.